Emro Science and Education
International open-access scientific journal
Journal homepage: https://journal.emro.uz
OPEN ACCESS

CONFERENCE PAPER OPEN ACCESS

Vol. 1 No. 4 (2024) · "Milliy iqtisodiyotni barqaror rivojlantirish va yuqori iqtisodiy o'sish sur'atlarini t... DOI: 10.5281/zenodo.24320823

ta'minlashning ustivor yo'nalishlari" mavzusidagi xalqaro ilmiy-amaliy anjuman

chkishilik sohasinin eng kata mammolardan bizi u echkilarni sigfatli toza ichimlik suvi bilan taminlash vaa ozuka bazasini yanada takomillashtirish hisoblanadi .

Mahaliy aholi parvarishidagi echkilarnin parazitar kasallikga uchramasligini va toza ichimlik suvi bilan taminlanshini tizimli shakilda va intensiv yo'lga qoya olsak bu chorvachilik sohasi uchun katta g'alabasi hisoblanadi Mahaliy veterinariaya punktlari mutaxasislari bilan birgalikta profilaktikalik emlash chorva mollarida ko'plab uchraydigan exonokokli kasalliklar haqida tushunchalar beruvchi broshuralar tarqatilishni o'z vaqtida amalkga oshirish kerak.

Xulosa qilib aytadigan bo'lsak Mahaliy aholining parvarishidagi echki-qoy va boshqa shorva mollarinig samaradorligini oshirish maqsadida ularni sifatli ichimlik suvi va ratsioni yaqshilash va mahaliy shorvador aholiga engillashtirilgan kreditlar va qoshimcha subsidiyalar yer moydanalari ajratishni va bu haqida mahaliy tele va radiokanallar orqali elonlar berishni tizmli yo'lga qoyish mahaliy chorvachilik klasterlardagi malakalli mutaxasislarni jalb etkan holda ustoz–shogirt da'sturi yordamida tajribasiz yosh kichik biznes vakillarini qollab-quvatlash va kerakli ko'llikmalar-qizig'ishni ortirih lozim

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Aripov U.X « Ovtsevodstva i kozovodstvo» Москва

2.Arexov A. A «Produktivnoe kozevotstvo» Москва -2014 3.Plotnikova E.V «kozi i ovtsiy» Москва-2014

ҚАНДАЙ АКТИВЛАРНИ АСОСИЙ ВОСИТАЛАРГА ОЛИБ БОРИШ МУМКИН

Чоршанбаев Умурзоқ
Гулистон давлат университети "Бухгалтерия ҳисоби ва молия"кафедраси ўқитувчиси
Маллаханов Жавохир
Гулистон давлат университети "Рақамли иқтисодиёт ва инновациялар" факултети талабаси
mallaxanovj@gmail.com

Аннотация. Мазкур мақолада, активларни асосий воситаларга олиб бориш жараёни ва бунинг иқтисодий ва молиявий аҳамияти тадқиқ қилинган. Асосий воситаларга ўтказишга мўлжалланган активлар, уларнинг иқтисодий самарадорлиги ва уларнинг ҳисобини юритишнинг муҳимлигини тушунтириш мақсад қилинган. Шунингдек, ушбу жараённинг фискал ва бухгалтерлик соҳасидаги қоидаларга мувофиқлиги ҳам назарда тутилади. Мақола иқтисодий таҳлил, ҳисоб ва аудит нуқтаи назаридан активларнинг рўйхатини шакллантириш ва уларни амалий жиҳатдан асосий воситаларга ўтказишнинг назарий ва амалиёт жиҳатларини муҳокама қилади.

Калит сўзлар. асосий воситалар, корхона, ҳисоб сиёсати, ер участкалари, ҳисобга олиш, инвентарь, эксплуатация, таснифлаш, счёт, устав фонди.

Кириш. Активларни асосий воситаларга олиб бориш иқтисодий тизимда муҳим аҳамиятга эга. Асосий воситалар – бу узоқ муддатли фойда келтирадиган, ишлаб чиқариш жараёнларида фойдаланиладиган ва тегишли бухгалтерлик кодексига кўра, узоқ вақт давомида ўз қадрини сақлайдиган мол-мулк ҳисобланади. Ҳар қандай бизнес ёки корхона ўз фаолиятини амалга ошириш учун асосий воситалардан фойдаланади. Шундай экан, активларни асосий воситаларга олиб бориш бухгалтериянинг муҳим жараёнидан биридир. Бу жараён иқтисодий

Published: 23.12.2024

Cite this article: Чоршанбаев Умурзоқ, Маллаханов Жавохир (2024). Қандай активларни асосий воситаларга олиб бориш мумкин. Emro Science and Education, 1(4). https://doi.org/10.5281/zenodo.24320823

© 2024 The Author(s). Published by Emro Science and Education. This is an open access article.

ривожланишга ҳисса қўшади ва молиявий ҳисоботларнинг ишончлилигини таъминлайди.

Иқтисодиёт ва молия вазирининг 14.06.2024 йилдаги **133-сон** буйруғига асосан янги **5-сон БҲМС** тасдиқланганлиги муносабати билан бухгалтерия ҳисобида ҳисобга олишда бир қатор ўзгартиришлар киритилди.

Янги тасдиқланган **5-сон БҲМС** 2025 йил 1 январдан кучга кириши сабабли, шу санадан бошлаб амал қилади..

Асосий воситаларга нималар киради.

Асосий воситаларга (АВ) корхона узоқ вақт мобайнида сақлайдиган ва қуйидаги мақсадларда ишлатадиган моддий активлар киритилади **5-сон БҲМС 3-б. 2-хатбоши**:

- маҳсулот ишлаб чиқариш, ишларни бажариш ёки хизматлар кўрсатиш жараёнида фойдаланиш;
- маъмурий ва ижтимоий-маданий мақсадларда;
- ижарага бериш учун.

Вазият:

АВ қийматининг чегарасини қатъий суммада ўрнатиш режалаштирилмоқда.

Ташкилот раҳбари АВ қийматининг чегарасини БҲМнинг каррали миқдорларида эмас, балки қатъий суммада белгиламоқчи.

Раҳбар АВ таркибидаги активларни ҳисобга олиш учун қиймат мезонини қатъий суммада белгилашга ҳақлими?

– Ҳа, ҳақли. 5-сон БҲМС активларни АВга киритиш учун аниқ қиймат мезонларини белгиламагани сабабли, ташкилот раҳбари активларни ҳисоб сиёсатида мустаҳкамланадиган АВ таркибига киритиш мезонларини мустақил равишда белгилайди.

Вазият:

АВнинг турли гуруҳлари учун турлича қиймат мезонлари белгиланиши режалаштирилмоқда.

Ташкилот раҳбари АВнинг турли гуруҳлари учун ҳар хил қиймат чегараларини белгилашни кўзлаган. Масалан, бинолар, иншоотлар ва узатиш мосламалари учун – 40 БҲМ (базавий ҳисоблаш миқдор)дан юқори, машиналар ва ускуналар, транспорт воситалари учун – 30 БҲМдан юқори ва ҳ.к.

У шундай қилишга ҳақлими?

– Йўқ, ҳақли эмас. Активларни АВга киритиш мезонлари АВнинг барча гуруҳлари учун ягона бўлиши керак.

Асосий воситаларнинг таркибига нималар киритилмайди.

Бухгалтерия ҳисобида АВ бир хил белгилари бўлган активлар гуруҳлари бўйича таснифланиши мумкин, шу жумладан уларнинг асосий хусусиятлари ва ташкилот фаолиятида фойдаланиш табиатига кўра **5-сон БҲМС 5-б.**.

АВни қуйидаги алоҳида гуруҳлар бўйича таснифлаш мумкин:

- ер;
- ерни ободонлаштириш;
- молиявий ижара шартномаси бўйича олинган АВни ободонлаштириш;
- бинолар, иншоотлар ва узатиш мосламалари;
- машина ва ускуналар;
- мебель ва офис жиҳозлари;
- компьютер ускуналари ва ҳисоблаш техникаси;
- транспорт воситалари;
- ишчи ва маҳсулдор чорва моллари;
- кўп йиллик ва мева берувчи ўсимликлар;

- бошқа АВ;
- консервация қилинган АВ.

Асосий воситаларни ҳисобга олиш бирлиги нима ҳисобланади.

АВни ҳисобга олиш бирлиги бўлиб инвентарь объекти ҳисобланади.

Инвентарь объекти – бу:

- барча мослама ва жиҳозлари билан биргаликдаги объект;
- муайян мустақил вазифаларни бажариш учун мўлжалланган алоҳида конструктив асосдаги буюм;
- конструктив жиҳатдан бир-бирига боғланган, бутун бир яхлитликни ифодаловчи ва муайян ишларни бажариш учун мўлжалланган буюмларнинг алоҳида мажмуаси. Конструктив боғланган буюмлар мажмуаси – бу бир ёки бир нечта бир хил ёки турли мақсадларга эга бўлган, умумий мослама ва жиҳозларга, умумий бошқарувга эга бўлган, битта пойдеворга ўрнатилган буюмлар бўлиб, натижада мажмуага кирувчи ҳар бир буюм ўз функцияларини фақат мажмуа таркибида бажара олади, мустақил равишда эмас.

Объектни ҳисобга қабул қилаётганда унинг қайси қисмлари мустақил инвентарь объектлари бўлиши мумкинлигини аниқланади. Бунга ташкилотнинг техник мутахассислари жалб қилинади.

Агар қандайдир буюм мустақил ишлай олса, уни АВнинг алоҳида инвентарь объекти сифатида ҳисобга олинади. Бу кейинчалик қандайдир қисм ҳисобдан чиқарилганда мажмуани бўлакларга бўлишдан қочиш имконини беради. Ҳар бир объектга инвентарь рақами берилади.

Мисол:

Кўп қаватли уйдаги лифтни қандай ҳисобга олиш керак.

Агар лифт янги бинода ўрнатилган бўлиб, у билан бир вақтда эксплуатацияга қабул қилинган бўлса, унинг ҳисобини ягона инвентарь объекти – бинонинг таркибида юритиш мумкин.

Мабодо бино лифт билан кейинроқ жиҳозланган бўлса, у бинодан фарқли равишда бошқа фойдаланиш муддатига эга бўлиши мумкин. Демак, уни АВнинг алоҳида объекти сифатида ҳисобга олиш мумкин.

Мисол:

Ускуна учун махсус харид қилинган қимматбаҳо бўлган эҳтиёт қисмни қандай ҳисобга олиш керак

Корхона қиймати АВни тан олиш мезонига мос келадиган ишлаб чиқариш ускунаси учун хизмат муддати бир йилдан ортиқ бўлган қимматбаҳо эҳтиёт қисмни харид қилди. Ушбу эҳтиёт қисмни ҳисоботда таснифлаш учун қуйидагиларни аниқлаб олиш зарур:

1) бу актив хизмат муддати ва қиймати жиҳатидан АВни тан олиш мезонларига мувофиқ келадими;

2) у мустақил вазифаларни бажариш учун мўлжалланганми ёки фақат бошқа АВ объектининг таркибий қисми сифатида ишлатилиши мумкинми.

Эҳтиёт қисм хизмат муддати ва қиймати жиҳатидан АВ мезонларига мослиги сабабли энди у мустақил вазифаларни бажара олишга мўлжалланганлигини аниқлаш қолди холос.

Буни ускунани таъмирловчи мутахассислардан, масалан, бош муҳандисдан аниқлаштириш мумкин. Агар унинг ёзма хулосаси асосида эҳтиёт қисмни мустақил ишлатиш мумкин бўлса, унинг ҳисоби АВ каби юритилади, акс ҳолда материал сифатида 1040-«Эҳтиёт қисмлар» счётида ҳисобга олинади.

Мисол:

Мебель тўпламини ягона инвентарь объекти сифатида қандай ҳисобга олиш керак

Таъсисчи устав фондига улуш тарзида 30 млн сўм қийматдаги мебель тўпламини ундан корхона эҳтиёжлари учун фойдаланиш учун киритди. Тўпламнинг таркибига осма шкафлар, жавонлар, столлар, стуллар ва тагкурсилар киради. Нарх бўйича тақсимот йўқ.

Корхонанинг ҳисоб сиёсатига асосан активларни АВга киритиш учун қиймат мезони – 20 млн сўмдан ортиқ (375 000 х 50).

Мебель тўпламини балансга АВнинг битта инвентарь бирлиги сифатида киритиш мумкин, чунки:

- ундан фойдаланиш муддати – 1 йилдан ортиқ;
- қиймати 20 млн сўмдан ортиқ;
- уни ўзида бир бутунликни ифодалайдиган буюмлар тўплами (мажмуаси) сифатида таърифлаш мумкин.

Фикр-мулоҳаза:

Активларнинг асосий воситаларга олиб борилиши бир қатор омилларга боғлиқ. Аввало, активнинг ижтимоий ва иқтисодий аҳамияти, уларнинг фойдаланиш муддати ва амортизация жараёни ҳисобга олиниши керак. Молиявий ҳисоботларнинг тўғри шакллантирилиши ва бухгалтерия стандартларига мувофиқлиги муҳокама қилинади. Агар активлар ўз функциясини амалга ошириш учун масалаларни ечишга қодир бўлса, улар асосий воситаларга ўтказилиши мумкин. Бу жараёнда амортизация, қадрлаш ва ўзгаришлар бўйича қўйилган меъёрлар қўлланилади. Бундан ташқари, активларни асосий воситаларга олиб боришдаги молиявий ва иқтисодий тўғри қарорлар, уларнинг қадрини оширишга хизмат қилади.

Хулоса: Активларни асосий воситаларга олиб бориш, иқтисодий тизимда муҳим жараён бўлиб, корхоналарнинг молиявий ҳолатини яхшилашга ёрдам беради. Бу жараённинг тўғри амалга оширилиши, асосий воситаларнинг ҳисобини тўғри юритиш ва уларнинг амортизациясини ҳисоблаш бўйича қўйилган талабларга риоя қилиш муҳим. Шунингдек, активларнинг самарали фойдаланилиши уларнинг иқтисодий ҳаёти давомида асосий воситалар сифатида қайд этилиши керак. Бу жараённинг самарадорлиги, корхонанинг ўсишини ва ривожланишини таъминлайди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Buxgalteriya hisobi- B.Xasanov, A.Xoshimov, A.Muxametov, A.Abduvohidov. – T.: Iqtisodiyot dunyosi, 2022. – 922 bet.

2. Moliyaviy hisob. A.B.Muxametov O‘quv qo‘llanma. – T.: Iqtisodiyot, 2024. 470 b.

3.Buxgalteriya hisobi-darslik. A.Muxametov, A.Abduvohidov. B.Matrasulov.G.Turayeva – T.: Ziyo nashr, 2023. – 458 bet.

4. Сативалдиева Д.А. Бухгалтерский учет/ Учебник.-Т.:ИҚТИСОДИЁТ, 2019 г. 580 с.

5. Boshqaruv hisobi.O‘quv qo‘llanma. G‘.I.Berdiyev, A.B.Muxametov, A.Abduvohidov, U.Chorshanbayev,G.Turayeva,J.Otabekov –2024-301b:

6. Carl S. Warren, James M. Reeve, Jonathan E. Duchac. Accounting. (ISBN: - 13: 978-1-133-60760-1) USA, 2019. 25th Edition.

7. Barry Elliot, Jamie Elliot. Financial accounting and reporting. (ISBN 978-1- 292-08057-4) London, 2019. 17 th Edition.